

Дехқон билан ёнма-ён

Вилоят дехқонлари давлат буюртмаси асосида 100 минг гектар ерга пахта, 31 минг гектардан зиёд майдонга галла экишган. Хозир бугдой ўрими уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Ғўзалар ҳам шоналай бошлади.

Раҳмончанинг дулдули

ёки қанот чиқарган от

Дулдул қанот чиқаргандек бири-иккинчисига тирмаштирилган аравалар шотиси узра юкорига қараб сакради. Чавандоз от тўқлари ерга гулпалак текканда мўжазига кир чорси боғланган бошини кўтарди-да, ҳайкириб олдинга интилаётган тўда орасига қўшилиб кетди.

«Театр – менинг ҳаётим»

Ёшлар бор қобилиятини ишга солиб, меҳрини бериб, топширилган ролларнинг ичига сингиб ўйнашлари керак. Саҳнанинг ҳам салобати, юки, керак бўлса, дили бор. Ёшларимиз ижро этаётган ролларга қараб театримизнинг эртаси порлоқ эканига ишонаман.



Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch


Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan


Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, ғўзал хулқ, ростғўйлик ва ҳалол меҳнат.

ҲИҚМАТ

2008-yil 12-iyul № 83 (2496) shanba



Бунёдкор талабалар отрядлари — қурилишларда



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Янгиликлар

панорамаси

Саломатлик поезди келди

Халқаро «Экосан» жамғармаси томонидан ташкил қилинган инсонларварлик ёрдами рамзи бўлган саломатлик поезди Қашқадарёга келди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини жорий этиш мақсадида ташкил этилган мазкур саломатлик поездида келтирилган 50 миллион сўмликдан ортиқ дори-дармонлар ва тиббий воситалари шифоналар, кам таъминланган ёш оилалар, ногиронлар, ёлғиз оналар ҳамда кексаларга тарқатилди. Шунингдек, ушбу тадбир доирасида 4 миллион сўмлик дизенфекция воситалари болалар оромгоҳларига етказиб берилди.

Янги ҒИШТ заводи

Ғузур туманининг Шўртан қўرғонига янги ғишт заводи қурилиб фойдаланишга топширилди. «Шўртан қурилиш савдо» шўба корхонаси томонидан бунёд этилган ушбу корхонада кунига 20 минг дона сопол ғишт тайёрланмоқда. Шунингдек, қишлоқ ёшларидан 60 нафари иш билан таъминланди.

Изаат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» муҳбири

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Олтин қалам» миллий мукофоти соҳибдори Лутфия опа Ғўзиева раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон ёшлари» ансамбли Мустақилликнинг ўн етти йиллиги ва яқин кунларда Италияга бўладиган ижодий савфари олдидан Маргилон шаҳридаги Мамуржон Узақов номи маданият ва истироҳат боғида концерт намойиш этди.

Истеъдодли ёш санъаткорлар Фарход Қамбаров, Дониёр Ҳамидов, Камола Эрматова, Нафиса Ҳожиёвалар томонидан ижро этилган она-Ватан, ёшлик, истиқлол, муҳаббат, дўстликни тараннум этувчи дилрабо қўшиқлар ва жозибали рақслар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Ижодий гуруҳ, шунингдек, Фаргона, Қўқон шаҳарларида ҳам ўз дастурларини намойиш этишди. Тошкентлик санъаткорлар жойларда томошабинлар билан учрашув-мулоқотлар ўтказдилар.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

Инсон ҳуқуқлари ва матбуот

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида жойларда турли тадбирлар – мутахассислар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилмоқда.

Урганч шаҳрида инсон ҳуқуқларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзусида ўтказилган семинар ҳам ана шу фармон ижросига бағишланди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда тегишли идора ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда ҳуқуқий мавзудаги материаллар салмоқини ошириш, босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, медиа-бизнесини самарали юритиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ

Ўзбекистон ва НАТО

Тинчлик йўлида ҳамкорлик

Маълумки, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ўрнатиш, ҳавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш борасидаги фаолияти ҳар жиҳатдан диққатга сазовор. Айниқса, мамлакатимизнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо сифатида олиб бораётган саяё-ҳаракатлари яхши самаралар бермоқда. Ўзбекистоннинг тақлиф ва ташаббуслари билан ўтказилган халқаро анжуманлар, имзоланган тарихий ҳужжатлар, уларнинг ижросини таъминлаш йўлида қурилатган чора-тадбирлар, тузилган янги тақлиф ҳамда ташаббуслар ана шу изчил фаолиятнинг амалий натижаларидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон тинчлик йўлида НАТО билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Бу ҳамкорлик 1994 йил 13 июл кўни ўрнатилди. Шундан бери давлатимиз НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида фаол ва изчил қатнашиб келмоқда.

Хўш, бу дастур қачон ишлаб чиқилган ва унинг моҳияти нимадан иборат? Бу ташаббус аслида 1994 йилда тузилган бўлиб, ишлаб чиқилган янги дастур шериклик асосида ҳамкорлик қилаётган давлатлар ўз қуроли кучларини қайта қуришларига, бу қуроли кучлар демократик жамият қуришда ҳамда НАТО раҳбарлигидаги тинчлик ўрнатиш амалиётларида фаоллик кўрсатишларига қўмақлашишга қаратилган. Бунда ҳар бир мамлакатнинг истак-хоҳиши инобатга олинган ва турли соҳаларда ҳамкорлик қилиши учун имконият яратилди. Дастурда катнашадиган давлат фаолиятининг турларини ва сонини ўзи танлайди. Энг муҳими, ҳар қандай фаолият ҳавфсизликни таъминлаш манфаатларига хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1996 йил 13 ноябр кўни Брюсселда бўлиб ва НАТОнинг Бош қароргоҳига таширф бўурди. Президентимизнинг НАТО Бош котиби Хавьер Солано билан ўтказган суҳбатлари муносабатларимизга янги куч, янги мазмун бағиш-

лади. Кейинчалик Хавьер Солано ва НАТОнинг ундан кейинги Бош котиблари давлатимиз раҳбари билан Тошкентда учрашиб, муносабатларни янги поғонага кўтариш ва ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари юзасидан мулоқотлар ўтказдилар. Бизнинг нафақат ҳарбий, балки илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимиз ҳам мустаҳкамланиб борапти. Бундай шериклик биз учун ҳам, НАТО учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

NATO илмий дастурининг ҳам аҳамияти катта. Ана шу дастурга асосан аъзо мамлакатларга ҳамда тинчлик йўлида ҳамкорлик қилаётган давлатларга олимлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатилади. Илмий дастур доирасида ўтказилаётган тадбирлар ҳамда ишлаб чиқилаётган режалар ижросида ҳар йили минглаб олимлар қатнашмоқда. Буларнинг бир қисми Марказий Осиё мамлакатлари олимларидир. Жумладан, НАТО ўзбек олимлари билан ҳам турли илмий лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар ва ижтимоий-сиёсий вазиятлардан келиб чиқиб, НАТО ўз фаолиятини тақомиллаштириб борапти. Яъни, саммитлар кун тартиби муҳим қисмига аъзо давлатлар катнашмоқда. Буларнинг бир қисми НАТОнинг ҳаракат режасини маъқуллаш, бунда жаҳон ҳамжамиятини қўллаб-қувватлаш истagini баён қилиш каби ҳолатларда НАТО зиммасига тушадиган масъулият ҳар томонлама муҳокама қилинди. Прага саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳам иштирок этди. Умуман, Прагадаги саммит жаҳонда ҳавфсизлик ҳудудларини кенгайтиришда, ер

юзидида нохуш ҳолатларни, яъни инқирозлар, межоролар, низолар ва террористик хуруқларни бартафат этиш учун янги имкониятлардан фойдаланишда, ҳамкорлик ва мулоқотда янги муносабатлар ўрнатишда, энг муҳими, ўзгаришлар ва янгилашлар йўлидан олға қадам ташлашда катта аҳамият касб этди.

Диққатга сазовор саммитлардан бири 2008 йил 3 апрел кўни Бухарестда бўлиб ўтди. Унинг ишида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. «НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши — СЕАП-ни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилдир, — деди давлатимиз раҳбари саммитда сўзлаган нутқида ва фикрини давом эттириб: «Ушбу жараёнда мамлакатимизнинг истиқболда НАТО билан амалий ҳамкорлик дастури ҳавфсизликни таъминлаш ва мудофаа қурилиши, экология ва гуманитар соҳадаги тадбирлар билан бир қаторда демократик янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатли бошқа йўналишларда ҳамкорликни ҳам ўз ичига олиши мумкин».

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбари қиритган амалий тақлифлар Бухарест саммитидаги энг эътиборли воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда бу тақлифлар жаҳонда ижобий акс-садо бермоқда ва дахлдор давлатлар томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Президентимиз Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазифаларни бандима-банд изоҳлаб берди. Уларнинг амалга оширилишидан нафақат жаҳонда афғон халқи, балки жаҳон ҳамжамияти ютади.

ИБРОҲИМ НОРМАТОВ, сийбсий шарҳловчи

Бугунни ўйлаб, эртани кўзлаб

Юртимизнинг қай бир гўшасига назар солманг, улкан иншоот маҳабати билан барпо этилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунёдкор қурувчилар, меъморлар билиму салоҳияти билан қад ростлаётган иморатлардан шаҳару қишлоқларимиз чирой очмоқда. Тошкент Архитектура ва қурилиш институти ана шундай етук мутахассислар тайёрловчи таълим ўчоғи ҳисобланади.

Бугунги кунда бу ерда 2700 нафар талаба ва магистрант тахсил олмақда. Уларнинг малакали соҳа вакиллари бўлиб етишишида барча имкониятлар ишга солиняпти. Мисол учун, ёзги таътил давомида ташкил этиладиган «Бунёдкор талабалар отряди» нафақат ёшларнинг моддий аҳволини яхшилашга, ўз навбатида эгаллаётган касблари бўйича амалий кўникмасини оширишга қўмақ бермоқда.

— Бу йил ҳам «Бунёдкор талабалар отрядлари» ташкил этишга жиддий эътибор қаратяпмиз, — дейди институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими раиси Алишер Авазов. — Талабалар ижтимоий аҳволи ўрганилиб, тарғибот иши йўлга қўйилиши натижасида иштироки равишда иштирок этувчилар рўйхати тузилди. Яқинда 35 нафар талабадан иборат дастлабки отрядимиз Тошкент шаҳар 159-қурилиш трести томонидан Қорақамчи даҳасида амалга оширилаётган уй-жой қурилишига йўл олди. Ёшлар ана шу бунёдкорлик ишида 45 кун меҳнат қилишади. Уларга каттагина миқдорда иш ҳақи тўланиши кўзда тутилган. Шунингдек, бошқа ташкилотлар билан ҳам шартнома тузиб, отрядлар ташкил этиш ҳаракатидамыз.

Муҳими, талабаларни дуч келган юмушга жалб этиш эмас, уларга ўз ихтисослиги бўйича иш ўрганиш имкониятини яратиш асосий эътиборда бўлади. «Камолот»чилар бу жараёнда доимий назорат этиш билан бир қаторда, уларнинг дам олишини таъминлаш мақсадида ишдан кейин маданий тадбирлар уюштиради. Бундан ташқари, институт биносидаги таъмирлаш ишларига 30 нафар, қабул комиссиясида иштирок этиш учун 20 нафар талаба жалб этилиши ёшларнинг моддий шароитини яхшилашга ёрдам беради.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ishonch» муҳбири

Бухоро вилояти Когон туманида содир бўлган фавқулодда воқеа тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълумотига кўра, 2008 йил 10 июл кечаси Мудофаа вазирлигининг Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмининг ракета-артиллерия омборида ўт чиққан ва у омборда ёнгин юз бериши ҳамда ўқ-дори-ларнинг портлашига сабаб бўлган.

Бухоро вилоятидаги ҳарбийлашган тузилмалар навбатчи қисмига бу ҳақда хабар келган, ички ишлар бошқармаси кучлари ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматлари томонидан воқеа содир бўлган жой ўраб олинган. Воқеа содир бўлган жойнинг яқинида жайидаги аҳоли хўжалиқига шайқиланган. Фавқулодда ҳодисани бартафат этиш учун Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари,

вилоят фавқулодда вазирлари ва ички ишлар бошқармалари ходимлари жалб қилинган. Дастлабки маълумотларга қараганда, портлаш натижасида 3 киши ҳалок бўлган, 21 киши жабрланган. Жабрланганларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Вазиятни бартафат этиш, зарур ҳавфсизлик чораларини таъминлаш ва жабрланган-

ларга ёрдам кўрсатиш бўйича Ҳукумат, Миллий ҳавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарларидан иборат ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Комиссия воқеа сабабларини аниқлашга киришди.

(ЎЗА)

Касаба уюшма ҳаёти



Хужжатларни тўплаш ва сақлаш ишлари намунали ташкил этилган. Қарши ва Қамаш туманлари, Қарши шаҳри идоравий, шахсий таркиб хужжатлари билан ишлаш архивлари юқори натижаларга эришди. Бошланғич ташкилотимиз ҳисобидан 38 нафар аъзо бўлиб, ходимлар учун иш бери-

Ходимларнинг меҳнат, иқтисодий, иқтисодий, касб билан боғлиқ муносабатларини тартибга солувчи жамоа шартномаси талаблари асосида иш олиб борилаётганини самара бермоқда. Касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ички меҳнат қондаларига амал қилиб ишлаётган жамоамиз, мана бир неча йилдирки, «Узархив» агентлиги тизимида яхши натижаларига эришиб келаяпти.

Ғамхўрлик асосий ишимиз

чи томонидан ҳамма шароит яратиб берилган. Шаҳрисабз, Қарши ва Қамаш туман филиаллари замонавий биноларда иш олиб б о р а п т и . Утган йили вилоят бошқармасида кўргазмалар музей ташкил этилиб, унга вилоятимиз шаҳар ва туманлари тарихи, бугунги ва келажакнинг акс эттирувчи хужжатлар қўйилди. Касаба уюшмаси йиғилишларида жамоа шартномасида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш, ички меҳнат тартиби қондаларининг ижроси, меҳнат аҳлига яратилган шарт-шароит муҳофазат этилиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилди. Спортнинг энгил атлетика, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича уюштирилган мусобақада ходимларимиздан И.Саъдиева, З.Қўлдошева, Д.Амирова ғолиб чиқди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва маданий тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда кўмита мақсадида «Иқтидор» кўрик-танлови ўтказилди. Ҳар бир ходим ўз ишига маъсулият билан ёндашиб меҳнат қилсагина муваффақиятга эришиш мумкин. Демак, касаба уюшма ташкилоти ўз аъзоларининг фаоллигини кучайтириб, маъсулиятини оширишда ташаббускор бўлиши керак.

аъзоларидан Фарида Дониёрова, Светлана Пак ва Жамила Абдувоҳидовалар фаоллик кўрсатмоқда. Касаба уюшмаси тавсияси билан кўп йиллардан бери тизимда бениқсон ишлаб келаётган Дилрабо Амирова ва



Йўллар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда, телекоммуникациялар тармоқини ривожлантиришда беҳис ҳисобланадиган асосий аҳамиятга эга. Шу боис иқтисоддан сунг юртимизнинг ҳар бир ҳудудига йўллар барно этиш, мажбуриятини ҳақон андозалари асосида реконструкция қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунёдкорлик ишларини «Узавтоўл» давлат акциядорлик компанияси тизимидagi «Шарқий» халқаро давлат аҳамиятдаги автомобил йўлларини сақлашга иқтисодлаштирилган таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси амалга оширмоқда. Ҳозир йўлсозлар «А-373 Тожкент-Уш» автомобил йўлининг 216-274 километр қисмида реконструкция ишларини олиб бормоқда. Бу ердаги йўл узунлиги 23,5 километри ташкил этиб, айти кунда 12 километрик қисмига асфальт ётқизилди. Шунингдек, 24 метр ва 80 метр узунликда иккита кўприк қурилиши жадвал суратларда олиб боришмоқда.

Суратда: йўлсозлар Бахтиёр Эргашев ва Зарифжон Бойматов. М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бандликни йўлга қўйишда меҳнат бозорларининг тўтган ўрни бениҳоя катта бўлаяпти.

Яқинда Гулистон Давлат университети вилоят ҳокимлиги, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармаси, вилоят прокуратураси, «Камолот» ЎИХ вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси» ўтказилди.

Бу вилоятдаги олий, ўрта-махсус касб-хунар коллежлари битирувчилари ва иш излаб юрган ёшлар учун катта имконият бўлди. Меҳнат ярмаркасида бир қатор йирик санаят корхоналари, ташкилотлар, кичик корхона ва фермер хўжалиқлари бўш иш ўринлари билан иштирок этидилар. Улар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини ҳам кўргазмага қўйдилар. Меҳнат ярмаркасида вилоятнинг туман ва шаҳарларидан 6900 нафар ёшлар иштирок этиди. Корхона, ташкилотлар вакиллари тадбир қатнашчиларига ўз фаолиятлари ҳақида тўшунча бериб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Ярмарка қўрилган самарани бериб.

— Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари коллежини тамомлаганман, — дейди Азизбек Тожидинов. — Меҳнат ярмаркаси шароитида билан Гулистон педагогика коллежига техника хавфсизлиги бўйича мутахассис вази фасига ишга қабул қилиндим.

Тадбирнинг университети биносидан ўтказилиши битирувчи талабаларга ҳам катта қўлайлик яратди. Шу кунги уларнинг бир қисми Янгйер шаҳридаги тиббий коллежига физика, математика ва информатика фани ўқитувчиси бўлиб ишга қабул қилинди.

Ярмаркада 1258 нафар мизраччилик ёшлар ишли бўлибди. 150 нафар иш қилинувчига эса касб-хунарга қайта тайёрлик ўқув курсларига йўналма берилиди. 112 нафари жамоат ишларига юборилди. Қўлпал фуқароларга мутахассислар томонидан меҳнат қончилигига доир тавсия ҳамда масалалар берилиди.

Анонорб НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Бандлик

Меҳнат биржаси туфайли ишли бўлдим

«Марғилон текстил» ўзбек-турк қўшма корхонасининг пахта титиш цехига кириб, очиги, хайратда қолдик. Каттақон цех биносини ичидан кунига 10 тоннагача пахта титиш имконига эга бўлган замонавий дастгоҳлар ишлаб турибди. Атрофда эса ҳеч ким йўқ. — Операторларимиз компьютерлар олдида туриб дастгоҳлар фаолиятини назорат қилишади. Агар бирор носозлик ёки пахта етказиб беришда узилиш бўлса, операторга хабар келади ва у муҳандисларни носозлик сабаблари ҳақида оғохлантиради, — дея изоҳ берди бизга корхона директори ўринбосари Авазхон Мўминов. — Илгари бу каби цехларда 15-20 киши ишларди. Той пахталарни ташиб келтириш, уларни ёйиш, дастгоҳларга солиш, дастгоҳ ишини назорат қилиш жараёнлари эндиликда биргина оператор томонидан амалга оширилмоқда. 2006 йил қўшма корхона ташкил қилиш учун «Осиё» тараққиёт банкидан 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит олдик. Низом жамғармамизнинг 65 фоизини мамлакатимиз улуши ташкил қилса, 35 фоизи Туркиянинг «s.t.i.t.g.o.o.l.l.s.t Limited sirketi» фирмаси хиссаси хисобланади. «Заурур чек», «Сантес» сингари дунёга машҳур фирмаларнинг калава иш ишлаб чиқариш технология линияларини ўрнатишимиз иш самарадорлигини бир неча баробарга оширибгина қолмай, ишлаб чиқариш жараёнини 80 фоизга автоматлаштирди. 2007 йил минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан 2 миллион 720 миллион сўмлик калава ип ишлаб чиқардик. Маҳсулотнинг асосий қисми Туркия



ва Россияга экспорт қилинади. Инглиз, хитой, турк тилларини яхши биладиган, корхонамизнинг экспорт бўйича бўлими мутахассиси Азизбек Алимов сингари ёшларимиз янги ҳамкорларни излаш, интернет, орқали маҳсулотларимиз рекламасини уюштириш билан шуғулланяшди. Утган йили олинган 300 миллион сўм соф даромад корхона фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил қилишга йўналтирилмоқда. Қўшма корхона ишга туширилгандан буён бир неча янги технологик линиялар, 200 га яқин иш ўринлари ташкил қилинди. Малакали мутахассисларни таллаб олиш учун вилоят меҳнат биржаси ва касаба уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. 2008 йил давомида меҳнат биржаси орқали 20 нафар ёшлар ишли бўлишди. — Мутахассислигим бўйича иш топшиш мақсадида вилоят меҳнат биржасига мурожаат қилган эдим. Орадан бир ой ҳам ўтмай яшаш жойим, оилавий шароитимни ҳисобга олган ҳолда «Марғилон текстил» корхонасида янги ишга туширилган ётган йигирув линияларидан бирига ишга қабул қилиндим, — дейди Хадябону Мустафокулова. — Малакали ишчи Муборак Саидовадан иш ўргандим. Ишлаб чиқариш жараёни автоматлашган. Титилган пахта тўғридан-тўғри йигирув цехига махсус қувурларда юқори босим орқали ўтиб, пилликлаш дастгоҳимизга, у ердан йигирув машиналарига келиб тушади. Биз дастгоҳлар мониторингиди кўрсаткичларни ўрганганим, лабораторияга маълумот бериб борамиз. Тайёр калавалар авто-

Бошланғич ташкилотларда

Кўшилар даврасидаги суҳбатларнинг бирида мавзу ойлук маошларнинг тўланиши, корхоналарда меҳнат аҳлига яратилган шарт-шароитлар ҳақида борди. Биров у, деди, биров — бу.

— Сизларда аҳвол қандай? — сўради давранинг ёши улғурларидан бири Илхом Ғайбуллаевдан. — Ҳаммаси жойида. Ойлик маошларни ҳам, мукофоту байрам пулларини ҳам ўз вақтида олиб турибмиз. Корхонамиз бошлиғи Қодир Жамалов, касабакўм раиси Қудратилло Одиловлар энг яқин ғамхўримиз. Қўлай меҳнат

рииларга имтиёзли йўлланмалар ажратилади. Иш жойларида эса биринчи тиббий ёрдам қўрсатиш шароитлари, дори-дармонлари ташкил этилган. Зарарли ишлар билан банд бўлганларга бепул сут маҳсулотлари ҳамда хўжалик совуқлиги берилаяпти. Овқатланиш, бўш вақтларда дам олиш учун яхши имкониятлар яратилган. Ходимларни соҳага оид фан ва техника янгиликларидан хабардор қилиш мақсадида малака ошириш курслари ташкил этилган. Касаба уюшма аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам эътиборга молик. Жамоада меҳнат таълимига чиқаётган ходим ойлук маошининг бир баравари, 50, 55, 60 ёшга тулганлар энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдорда рағбатлантирилади. Мўҳими, корхонанинг

Фаолиятимиз анча жонланди

шароити яратилган. Лозим пайтда «муаммоларни енчишда ёрдамларини ашмайди», жавоб берди Илхомжон. — Қандай яхши. Сизларга хавасимиз келади, — дейишди даврадагилар. Дарҳақиқат, «Дамхўжа» минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармасининг Навоий вилояти ҳудуди бўйича бўлими бошлиғи Илхом Ғайбуллаев ҳақ гапни айтганди. «Узкоммункизмат» агентлигига қарашли ўшб бўшланган жамоасининг асосий вази фази Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш. Вази фази қанчалик маъсулиятли ва мураккаб бўлмасин, аҳил жамоа қўзғалган мақсадага эришиб келаяпти. — Корхонамизда иш бериши ва касаба уюшма кўмитаси томонидан 2007—2008 йиллар учун тасдиқланган жамоа шартномаси мажбуриятлари тўлиқ бажарилаяпти, — дейди касабакўм раиси Қ.Одилов. — Белгиланган тадбирларга қўра ходимларимизни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида астойдил ҳаракат қилаямиш. Чунки, маошлар ойма-ой тўлаб борилаяпти. Ишчи-хизматчилар

Фақатгина эмас. Раиснинг таъкидлашича, бошқарма бошлигининг касаба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда чиқарган буруғига асосан ҳар ойнинг 3-пайшанбаси жамоада «Меҳнатни муҳофазат қилиш ва техника хавфсизлиги кўни» деб эълон қилинган. Вазиётдан келиб чиқиб, корхона тасарруфидида барча устакларда техника хавфсизлиги бурчаклари, шунингдек, «Маънавият ва маърифат» бурчаклари ташкил этилган. Барча турдаги зарур йўриқномалар ҳам мавжуд. Бошқара айтганда, корхонада 2007 йилда меҳнатни муҳофазат қилиш ишларига 9 миллион 560 минг сўм сарфланган бўлса, жорий йилда бу миқдорни салкам 11 миллион сўмга етказиш тадбирлари белгиланган. Ишчи-ходимлар саломатлигига эътибор ҳам бўлақча. Улар белгиланган тартибда тиббий қўриқдан ўтказиб турилади. Эҳтиёжманлар учун санато-

Ислоҳот одимлари

Дехқон билан ёнма-ён

Хоразмлик дехқонлар пахта ва галла ҳосилини ҳар доимгидан ҳам кўпайтириш мақсадида энг шимариб меҳнат қилишмоқда. Сув танқислигига қарамай юксак мақсад сари дадил одимлашда уларнинг меҳнатсеварлиги, ер билан тиллашиши, кўп йиллик тажрибалари қўл келаяпти. Албатта, қўзланган ҳосилини етиштириш биргина дехқоннинг ўзига боғлиқ эмас. Унга кўмакдош, ҳамкор ташкилотлар мададсиз белгиланган режани уддалаб бўлмайди. Вилоят «Қишлоқхўжалиқимиз» ҳудудий акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам бугунги кунда дехқонлар билан елкама-елка туриб, мўл ҳосил илтижида тер тўкаётганлар сирасига қиради.



ҳолда 22450 тонна азотли, 6220 тонна фосфорли, 1530 тонна калийли минерал ўғит ажратилди. Суспензия билан озиклантириш нафақат пахтачиликда, галлачиликда ҳам кенг қўлланди. Шу кунгача вилоятдаги жами галла майдонлари бундай усулда уч марта озиклантирилди. Фермер хўжалиқларини минерал ўғитлар билан таъминлаш барча туманларда намунали йўлга қўйилган. Бу борада айниқса ҳиссадорлик жамиятининг Гурлан туман филиали фаолияти ибратлидир. — Туманимизда 380 та фермер 3609 гектар ерда галла, 1087 фермер 12710 гектар майдонда пахта етиштирмоқда, — дейди филиал раҳбари Илхом Машарипов. — Уларга етти та шохбачимиз орқали саксон нафар ходимимиз хизмат кўрсатапти. Бу жараёнда иштирок этиш учун 28 та техника жалб қилинган. Биз шохбачаларда бўлганимизда ишчи-хизматчиларнинг ҳаммаси далада тақанилгини кўрдик. «Зардор» шохбачаси ходимлари «Қорақалпоғистон» ММТТдаги «Ҳажаб-Ақбар» фермер хўжалигида култивация билан озиклантириш ишларини олиб боришларинг эди. Шохбача мудири Мурод Исчановнинг таъкидлашича, улар Дўсимбий

димларга янги йил байрамида 330 кило қорамол гўшти беришган эди. Наврўз байрамида улар энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорда рағбатлантирилди. Филиал раҳбари, айниқса, аёлларга кенг шароит яратилганини таъкидлайди. Аёлларни суспензия тайёрлаш ва озиклантириш ишларига жалб қилиш қатъиян таъкидланган. Иш соатлари қисқартирилган. Халқаро хотин-қизлар кўни аёллар энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорда рағбатлантирилди. Узоқ йиллардан буён филиалда самарали хизмат қилиб келаётган Реймбой Мадрахимов, Мухаббат Мадаминова, Мурод Алимовларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши эса барчани улардан ибрат олишга даъват этмоқда.

— Вилоятимиз дехқонлари давлат бюржтраси асосида 100 минг гектар ерда пахта, 31 минг гектардан зиёд майдонга галла экишган, — дейди акциядорлик жамияти раиси Қаландар Рўзметов. — Ҳозир бугунги ўрним уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Ғўзаларимиз ҳам шоналай бошлади. Айтиб айтганда «Қишлоқхўжалиқимиз» АЖнинг барча туман филиаллари, шохбачаларининг ишчилари далада. Қишлоқ хўжалиги ходимлари яхши билишди: пахта суспензия усулида ва ми-

нерал ўғитлар билан озиклантирилади. Акциядорлик жамияти 9315 та пахтачилик фермер хўжалиги билан шудай озиклантиришни амалга ошириш юзасидан шартнома имзолаган. Ушбу шартномалар ва вилоят ҳокимлиги кўрсатмалари асосида суспензия тадбирини белгиланган муддатда ва сифатли ўтказиш учун 57 та отряд ташкил этилиб, 57 та эритма тайёрлаш шохбачалари фаолият олиб борди. Ушбу шохбачалардан эритмани

Бирлашган қишлоғида жойлашган «Намуна» шохбачасида ҳам иш қизгин. Улар бу йил 144 фермерга 363 тонна азотли, 100 тонна фосфорли, 21 тонна калийли ўғит етказиб беришлари лозим. Шохбача тасарруфидида Т-40 маркали прицепли трактор ва «КрАЗ-256» автомашинаси бор. Қўриб турганимиздек, «Қишлоқхўжалиқимиз» ходимларининг меҳнати заворли. Ҳўш, уларни муносиб рағбатлантириш юзасидан қандай чора-тадбирлар қўришмоқда? — Барча шохбачаларимизда дам олиш хоналари мавжуд, — дейди туман филиали раҳбари Илхом Машарипов. — Шунингдек, уларда ҳар кунги иссиқ овқат ташкил қилинган. Ювниш учун ҳам шароит яратилган. Филиалда хизмат қилувчи хо-

Ишчи-хизматчиларга юксак эътиборни вилоят «Қишлоқхўжалиқимиз» ҳудудий акциядорлик жамиятининг барча филиалларида қўриш мумкин. Бу эса белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишида мўҳим восита бўлмоқда. — Ҳар биримиз зиммамиздаги вази фамизани аниқ биламиз, — дейди жамият раиси Қаландар Рўзметов. — Уларни бекам мўст амалга оширишимизга ҳеч нарса монелик қилмайди. Фермерларга намунали хизмат қўрсатиш орқали ҳосилдорликни ошириш, демакки, эл-ўрт фаровонлигига улшш қўшишда ходимларимиз билим ва тажрибалир аямаядилар. Мухаббат ТўРАБОВА, «Ishonch» мухбири

Ўз касбининг фидойилари



Гох-гоҳида «айбсиз инсон бўлмади» деган фикр қўлоққа чалиниб қолади. Лекин Карим ака Ортиқовга бу гап тўғри келмайди. Етук мутахассис, ташаббускор раҳбар, намунали оила бошлиғи, турмуш ўртоғи Қундузхон ая билан 4 нафар фарзандни вояга етказиб, элга қўшишди. Ҳаммалари олий маълумотли. Айни вақтда Карим ака 12 назира, 8 нафар эваранинг суюкли бобоси.

Ҳаломлик

ҳар қандай мартабани безайди

Табиики, инсон учун фарзандлари ва шогирдлар камалини кўриш бахт. Карим ака 1934 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1958 йили Тошкент тиббиёт институтини аяло баҳолар билан битириб, Тошкент шаҳар Октябрь туманида врач эпидемиолог бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади. 1961 йилда Тошкент вилояти врач-эпидемиолог вазифасига тайинланди. Ёш врач билимдонлиги, талабчанлиги туфайли жамоада катта ҳурмат қозонди. 1964—71 йилларда ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими мудири вазифасини сиқидилдан бажарганлиги учун ҳам аҳоли ўртасида касаллик камийиб, ихобий натижаларга эришилди.

Карим ака 1971—1973 йилларда бош шифокор муовини, 1973—1988 йилларда бош шифокор бўлиб ишлаганида ҳам изланишдан, ўқиб-ўрганишдан чарчамади.

У раҳбарлик қилган йилларда 14 та туман ҳамда шаҳарда замонавий СЭС бинолари қад ростлади. Тошкент вилояти жамоаси ҳам янги иш жойига кўчиб ўтди.

Карим ака ёш мутахассислар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Кўплаб ходимлар малака ошириш курсларида билимларини мустаҳкамлашди.

Ўзи ҳам Бишкек, Москва, Душанбе шаҳарларида бўлиб, малакасини оширибгина қолмай, маърузалар ҳам қилди.

1989 йилдан буён Тошкент шаҳар дезинфекция станциясида бош шифокорлик лавозимига ишлаб келмоқда. Шу вақт мобайнида жамоанинг салоҳияти янада ортди. Моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Собир Раҳимов, Учтепа туман дезстанция янги бинолари қурилиб, ишга туширилди.

Карим ака ниҳоятда бағрикенг инсон, — дейди Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси касабаси уюшма кўмитаси раиси Моҳира Алимова. — Шу боисдан ҳам жамоамиз аъзоларининг барчаси у кишини ҳурмат қилишади.

Биз фидойи инсон Карим Ортиқовнинг ҳаёт йўлига бир қур назар ташладиқ, холос. Яқинда устоз меҳнат фаолиятини бошлаганининг 50 йиллигини нишонлади. Бундай эҳтиром барчага насиб этсин.

Н.РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Ангорлик Барно Пардаева 2000 йилнинг 1 апрелидан туман халқ таълими бўлими тасарруфидоғи 28-мактабда ҳисобчи вазифасида ишлаб келарди. 2004 йил 23 ноябрдан ҳомиладорлик таътилига чиқди. 2005 йил 11 апрелдан

Аёл

2007 йил 12 январгача, яъни фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган.

Барно Пардаева 2007 йилнинг 8 январ, 3 май, 8 июн кунлари ишга қайтиш учун Ангор туман ХТБ мудири Нурмамет Ражабовнинг номига ариза ёзишига қарамай, ходимнинг қонуний талаби бажарилмади. Ҳатто аризалар «изсиз йўқолди». Шундан сўнг Б.Пардаева нажот истаб Сурхондарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари билан бирлашмаси раиси А.Аҳмедовга ариза билан мурожаат қилди.

Текшириш жараёнида Б.Пардаеванинг шикоятни тасдиқлади. Унинг мудири Н.Ражабов номига ёзган аризалари қадрлар бўлими бошлиғи Зиёда Бердиевага муносабат билдириши ҳақидаги топшириқ билан берилган. Бирок «ХТБга «ўғри» тугашгани, ё «сичкон оралаб» Б.Пардаеванинг аризаларини еб кетгани, раҳбар назоратидаги ариза ўз-ўзини йўқотиб қолган. Бу ҳол бошқа ҳисобчи, яъни Анваржон Мўминовнинг тинчгина,

Касаба уюшмаси аралашуви билан...

ҳеч нарса бўлмагандай ишлаб келишига шароит яратган.

Ушбу ҳолат юзасидан ходимлар бўлимининг бошлиғи З.Бердиева тушунтириш хатида шундай ёзди: «Ростдан ҳам мудири Н.Ражабов менга Б.Пардаеванинг аризаларини берганини эслаймам. Лекин

дорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парвариш-лаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланиши белгиланган. Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч

лик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдоридан тўланиши кўрсатилган бўлса-да, Б.Пардаевага ҳеч қандай пул тўланмаган.

Б.Пардаеванинг қонуний ҳуқуқлари бузилиши сабабларини аниқлаб, Сурхондарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари билан бирлашмаси Ангор туман ХТБ мудири Н.Ражабовнинг номига тақдимнома киритди. Унда 28-мактаб ҳисобчиси Б.Пардаевани Меҳнат кодексининг 111-моддасига асосан ўз ишига тиклаш ва

излаган ҳақиқат

бугунгача уларни қаерга қўйганимни билмай турибман. Қолаверса, Ангор туман ХТБнинг шаҳодат синовидан ўтадиган ҳисобчилар ва молия ходимлари рўйхатидан ҳам Б.Пардаеванинг фамилияси тушириб қолдирилганлиги, нима сабабдан киритилмаганлигини кўрсата олмайман. Сурхондарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари билан бирлашмаси юридик бўлими бошлиғи Собир Каримовга Б.Пардаеванинг меҳнат дафтарчасини ҳам топиб бера олмадим. Очиғи, бу дафтарчани кимдан ҳам зўрғанимни эслолмайман. Унинг ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанлиги тўғрисидаги буйруқни ҳам топа олмай бошим қотиб юрибди».

Мана сизга Ангор тумани зиёлилари билан бирлашган катта жамоадаги ходимга кўрсатилган наирани! Меҳнат кодексининг 234-моддасида ҳомиладор-

ёшга тўлгунга қадар болани парвариш-лаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилиши кўрсатилган. Болани парвариш-лаш таътили даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланиши кўрсатилган бўлса-да, Ангор туман ХТБ мудири Н.Ражабов ўзининг қонундан ҳам зўрғанимни кўрсатмоқчи бўлдимикан!

Энг ёмони, тартиб-интизом издан чиққан ХТБда Б.Пардаеванинг 2005 йил 12 январ кўни туғилган фарзанди Р.Жабборованинг нафақа пулларини олганлиги ҳақидаги тўлов ведомостлари ҳам топилмади. МКнинг 286-моддасида ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладор-

мажбурий равишда бекор юрган вақти учун кодекснинг 275-моддасига асосан ўртача иш ҳақи тўлаш ҳамда 2005 йил 12 январда туғилган фарзанди Р.Жабборованинг ололмаган 4 ойлик нафақа пулини тўлиқ бериш, шунингдек, қонун бузилишига йўл қўйган ходимларнинг интизомий жавобгарлиги масаласини ваколат д'сирасида хал этиш сўралган.

Ангор туман ХТБ мудири Н.Ражабов 2008 йил 4 январда Сурхондарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари билан бирлашмаси раиси А.Аҳмедовни Б.Пардаева ишга тикланганидан хабардор қилди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири



Эл соғлиғи йўлида

Бойвот тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилиб аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда.

Кишлоқ врачлик пунктлари Жаҳон тараққиёт банкнинг «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича қурилиб, хорижнинг энг замонавий тиббиёт ускуналари ва лабораториялари билан жиҳозланган. 98750 аҳолига туман марказий шифохонаси, кўп тармоқли поликлиника, болалар юқумли касалликлари шифохонаси, туғруқхона ҳамда 29 та кишлоқ врачлик амбулаторияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Мухаммад КАРИМ олган суратлар



Наманганнинг кунчиқар томонида, Қорадарё билан Қолғанда рё қўшилган жойда Кемабош қишлоғи жойлашган. Она авлодимиз шу қишлоқдан бўлиб, бобомнинг отаси Раҳмонча полвончи ханузгача эслашади. Бўйи ўртача бўлганидан ва шиддаткорлигидан одамлар унинг номи ёнига «ча» қўшимчасини қўшиб, эркалатиб шундай деб чақираркан.

Отам камгап одам эди, — деганди бир сафар суҳбатда бобом. — Лекин қурашда, чавандозликда, кўпқарида унга тенг келади-ган рақиб кам топилган.

Бобомнинг айтишича, Раҳмонча полвоннинг бир неча оти бўлган. Лекин Дулдул деб номланган отига меҳри ўзгача экан. Бу ҳақда ўзи: Дулдул икки бор ҳаётимни, бир бор ор-ногим ва «Раҳмонча» деган шаънини сақлаб қолди, деган экан. Бу воевани бобом шундай хикоя қилиб берганди: Минглаб чақирим олисда бўлаётган биринчи жаҳон уруши олис Туркестон улқасига ҳам ўз таъсирини ўтказган, озик-овқат тақчиллиги ҳар қадамда сезиларди. Қишлоқда ўртаҳол дехқонлардан саналган Раҳмонча оиласи ҳам маккажўҳори ва оқ жўҳори номини ёйишга ўтишган. Раҳмонча Қўқонда таниқли бой набираси тўйида кўпқари ташкил этган-

лигини эшитган бўлсада жўҳори бошини қайириб қўйиш юзасидан отаси топшириғини бажариш билан банд бўлиб, томошага кечиккан эди. Қўқонга етиб келганида кўпқари аллақанда бошланган экан... Ҳамма айб ўзида. Кўпқарига кечиккан чавандоз ярим омаддан

Алломиш авлодлари

Раҳмончининг дулдудли



айрилади. Жўҳорига олдинроқ ўроқ солганида тўда бошида шамолдек елаётган чавандозлар қаторида бўлмасмиди... Утган оқшом анчадан бери кўрпа-ёстиқ қилиб ётган отаси бош кўтарди. Сербутюк ҳасасини дўкиллаганича уйлари орқасидаги томорқагача айланди. Сарғая бошлаган, узун-

индин деб ҳосилни йиғиштиришни кечиктириб юборганди. — Эртага пешингача жийдадан берисининг бошоғи айвонда бўлсин! Отаси шуларни айтди-ю, ҳасасини дўкиллайтиб қачондан бери ётган тахта қароватга тагин узала тушди... Улкан майдон айла-

ёки қанот чиқарган от

наси одамлар билан тирбанд. Қуш бозори сингари аралаш-қураш халойиқ отлар ари уясидек гўжон ўйнаётган тўлдан кўз узмайди. Майдон ўртасида уй томидек баландликда қурилган сурида тўй эгаси Хожиматбой шаҳар амалдорлари кўршовида давра қурган. Кимки улқони майдонни давра олиб қаравот пойига келтириб ташласа, соврин ўшаники. У ёқдан-бу ёққа чопқиллаётган тулпорлар галасини кўрган, улоқ ва пойгага ўрганган Дулдул безовта. Отдаги бедорлик чавандозга ҳам кўнди. Юраги дўккиллаганича давра теварганини айланаркан, қитмироққ томошабиллардан бири киноя қилди.

— Отни кийнай берманг, полвон, араванинг гулчанига бўлсаям боғланг-да, қаторга қўшилиб, ўйин ўтиб кетаяпти. Ҳаяжондан қалтираётган Раҳмончининг ҳаёлида нимадир «ярқ» этди: араванинг гулчанига деярлими? Майдонга ўтиш йўли тўсилитти, ҳуш, арава-

лар тепасида одам йўқ-ку? Улоққа қўшила олмасдан қишлоққа юзи шувут бўлиб боргандан кўра арава шотисигами, гулчанигами урилиб майдаланиб кетгани минг бор афзал эмасми! Дулдул бошини майдон четини маржондек ўраб турган аравалар четига қараб бурди. Кўпқари ортидан эргашган тўда шу тарафга қинлашиб келарди. Ҳамманинг кўзи шу ёқда. — Ҳа, Дулдулим, кўрсат кўчингди! — Чавандоз шундай дея қичқирганича жилвоний майдон четини девордек тўсиб турган аравалар тўсиғига қараб бурди. Кўпқари аввалига майдон ташқарисида от чоптираётган чавандоз-

нинг мақсадига тушуниб етмади. Бу пайтда от ичкарида ёввойи овозда ҳайқираётган тўда томон қинлашиб келарди. Ниҳоят олдинда аравалар қаторлашганида чавандоз отни рағбатлантирган-дек жилвоний қаттиқ сийлади-ю кўзини «чирт» юмди. Дулдул тўсиқ қаршисида иккиланмади. Худди қанот чиқаргандек бири-иккинчисига тирмаштирилган аравалар шотисини узра юқорига қараб сакради. Чавандоз от туёқлари ерга гупиллаб текканда мўъжазгина кир чорси боғланган бошини кўтарди-да, ҳайқириб олдинга интилаётган тўда орасига қўшилиб кетди. Дулдул аравалар тепасига сакраганида бир дақиқа сув қуйилгандек сукунат чўккан майдон бўйлаб гўёки момоқалдирик гўмбурлагандек қудратли ҳайқирик янгради.

— Раҳмонча полвонга офарин! — Раҳмонча тулпорнинг қаноти бор, деб эшитардик, рост чиқди! Оломон чавандозни олқиларкан. Шу кўни Раҳмонча юз чоғли отлар тўпи ичинда уч бор улқони кўлга киритди ва каттагина совринга эга бўлди, билгаги бақувватлигини, отининг куч-қудратини намоиш этди. Дулдул эса қанотли тулпор деган ном чиқарди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Хорижда касаба уюшмалари



Беларус Меҳнат вазирлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш инспекторлари 2008 йилнинг биринчи ярмида мулкчилик шакли турлича бўлган 7 мингдан ортиқ корхонада текшириш ўтказди. Натижада ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўламаганиги учун 653 та корхона раҳбарларига 157,7 млн. беларус рубли (75 миң АҚШ доллари) миқдорида жарима солинди.

210 та иш берувчи ҳам худди шу сабабга кўра жами 171,2 млн. беларус рубли (80 миң АҚШ доллари)дан кўпроқ миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

Янги келишув фойдалироқ бўлиши керак

Америка телевидение ва радио актёрлари федерацияси (AFTRA) Ҳолливуднинг йирик студиялари тақлиф этган жамоа келишуви шартларига рози бўлди. Янги шартнома шартларини қабул қилиш учун федерациянинг 62,4 фой азоси овоз берди. Эски битимнинг мuddати 30 июн кўни тугаган эди.

Энди янги жамоа келишувини имзоламаган биргина актёрлар касаба уюшмаси қолди — Экран актёрлари гильдияси янги келишув актёрлар учун янада фойдалироқ бўлиши керак деб ҳисобламакда. Қузатувчиларнинг фикрига кўра, АФТРАнинг бу қарори гильдиянинг Продюсерлар ассоциацияси билан бўладиган музокарасини анча қийинлаштиради. Агар гильдия аъзолари мақсадига эришолмаса, уларнинг биргина чораси қолади — иш ташлаш. Бу эса Ҳолливуд фаолиятга жиддий зийн етказиши мумкин.

АФТРАнинг 70 миң, Экран актёрлари гильдиясининг 120 миң аъзоси бор. 44 миң киши ҳар иккаласининг аъзоси ҳисобланади.



Италиянинг «Fiat Auto» концерни мамлакатдаги бир неча заводда автомобил ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатиши, ходимларни эса таътилга чиқариши мўлжалламакда. Бу ҳақда «Fiat Auto» касаба уюшмаси вакиллари маълум қилди. Бундай қарорга келинишига асосан Италия иқтисодиётининг умумий заифлашуви ва «Fiat»нинг бозордаги маъкеи пасайиши сабаб бўлган.

Касаба уюшмасининг маълумотига қараганда, Туриндаги заводнинг ишлаб чиқариш линияларидан бири сентябр — ноябр ойларида бир ҳафтадан ишламайди. Шунда ҳам янги «Alfa Romeo MiTo» моделини ишлаб чиқариш тўхтатилмади. Мамлакатдаги яна тўртта заводда шунга ўхшаш чоралар қўрилади. «Fiat Auto» вакиллари касаба уюшмасининг хабарини инкор қилишмади, аммо тўхтатишларга батафсил изоҳ бериши ҳам хоҳлашмади.

Бирлашган ўзар...

Буюкбританиядаги энг йирик «Unite» ва USW Америка-Канада касаба уюшмалари «Бирлашган ўзар» нақлига амал қилиб, «Workers Uniting» деб номланган глобал касаба уюшмасига бирлашганга қарор қилишди. Бу ҳақда келишув 2 июл кўни Лас-Вегасда имзоланди.

Янги касаба уюшмаси Буюкбритания, Ирландия, АҚШ, Канада ва Кариб ороллари саноатининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган 3 млн. нафар ишчининг манфаатларини ҳимоя қилади. Икки касаба уюшмасининг глобал уюшмага бирлашиши Шимолий Америка ва Европа ишчилари иш ҳақининг пасайишига ва саноат ривожланиши йўлидаги тўсиқларга қарши туришга интилиши билан изоҳланади.

Глобал касаба уюшмаси юқориде айтиб ўтилган мамлакатларда фаолият юритадиган компаниялар билан музокаралар, ҳамкорликда сийсый компаниялар ўтказишни оsonлаштиради.

Уй гулларини ўстирувчилар ва фермер хўжалиги раҳбарлари диққатига! «Баҳождожаев Собир» хусусий корхонаси уйда ўстириладиган гуллар учун «НО 2/Х ОУЗ3» номли миянерал ўзтиги тақлиф қилади. Tel: (998371) 2613347

Чирчиқ шаҳридаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Абдурона Алияна Ренатовна номига берилган О'Р-Ш сарғили №0732846 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши жамоаси молия бўлими етакчи мутахассиси Мария Зупаровага турмуш ўртоғи Мелюс ЗУПАРОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши жамоаси Бектемир туман вакили Манзура Абдуқодировага акаси Мурод ШАХОБИДИНОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради

Ўзбекистон Аграрсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Ўзбекистон Фермер хўжаликчилари уюшмаси раиси Акрам Ариповга волидан муҳтарамаси ХОСИЯТ аянинг вафот этгани муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Меҳмон

Хар қандай санъат асари инсоннинг маънаву юксалишига хизмат қилади. Бундай асарлар турли кўриниш ва шаклларда мўҳлисларга етказилади. Театр ҳам инсоннинг камол топишида муҳим восита саналади. Ўзбек миллий академик драма театри бу йўлда астойдил хизмат қилмоқда. Айниқса, ёш санъаткорларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада қилинган ишлар юзасидан артист Зухра АШУРОВАни суҳбатга қорлади.



— Зухра опа, айтингчи, театрдә ёш санъаткорлар кўпми?
— Ёш иқтидорларни тарбиялаб, камолга етказиш бўйича миллий театримизда ўзига хос анъана мавжуд. Бугун катта санъат мактаби ҳисобланган бу даргоҳга кўплаб умидли ёшлар кириб келди. Улардан Дилноза Қўбаева алоҳида таъкидлаган бўлардим. У иккинчи курсда ўқийётгандаёқ театримизда роллар ижро этиб, томошабин қалбига йўл топди. «Андишали келинчақ» спектаклининг ҳалигача сахнада эканлигида Дилнозанинг алоҳида хизмати бор.

«Театр — менинг ҳаётим»

Биз бу қизнинг келажига ишонамиз. Шодия Тўхтаева ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.
— Ёш актёрлардан-чи?
— Йигитларимиздан Шуҳрат Нуралӣ, Аҳрор Маҳмудов, Собир Отажоновлар «Увайсий», «Олтин киз» каби спектаклларда маҳоратларини намойиш этишди. Уларга ҳавасим келади. Изланишдан чар-

ги муҳлис ҳам чипта олиб, вақтини сизга ажратиб, мириқиб томоша кўргани келган. Охирги қатордаги муҳлислар гапингизни эшита олмас, театрдан кўнгли совиёди. Шунинг учун биз ёшларга нутқни устириш, сахнада ўзини тутиш сирларини кўп ўргатамиз.
— Эл севган ақтриса бўлишингизда алоҳида хизмати сингган устоз-

ларингиз кимлар?
— Мен ҳаётда нимага эришган бўлсам, барини устозларим меҳнатининг самараси деб биламан. Театр сахнасида шунчаки рол ижро этилмайди. Сахнада ҳам актёр ҳаёт ролин уйнайди. Устозларим жуда кўп. Алоҳида санаш лозим бўлса Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, Эркин Комилов, Рихси Иброҳимоваларни алоҳида

эртаси янада яхшироқ бўлаверади. Уларнинг имконияти кенг. Демак, бор қобилиятини ишга солиб, меҳрини бериб, топширилган ролларнинг ичига сингиб ўйнашлари керак. Саҳнанинг ҳам салобати, юки, керак бўлса, дили бор. Ёшларимиз ижро этаётган ролларга қараб театримизнинг эртаси порлоқ эканига ишонаман.

— Ёшлар йилига мўлжаллаб қандай янги асарлар кўйилиши режалаштирилган?
— Яқинда Тилаб Маҳмудовнинг «Гулбадан савдоси» асари сахналаштирилди. Бугуннинг жиддий орабларидан бири — ғиёвандлик ва одам савдоси ҳақидаги ушбу спектаклни тез кунларда муҳлисларга тақдим этамиз. Асосий ролларни ёшлар ижро этишган. Кимлар эканлигини эса театрга келганда биласиз.
— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

Футбол

Бу гап ҳам дуранг



С. УРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

«Пахтакор» ва «Қурувчи»... Деярли барча ўйинчилари Ўзбекистон миллий терма жамоасига аъзо ёки номзод бўлган бу клубларнинг қайси кучлигини айтиш қийин. Икки йилдирки, жамоалар ўзаро учрашса, кучлари тенг келмоқда.

Бу йилги чемпионатда ҳар икки жамоа маглубитяси одимини давом эттириб келаяпти. Шу боис 17-чемпионатнинг биринчи давраси сўнгги туридаги «Тошкент дербиси» ҳеч кимни бепарқ қолдирмади.

Уйин пахтакорчиларнинг ҳужуми билан бошланган бўлса, кейинчалик Миржалол Қосимов шогирдлари ҳам анча фаоллашди. Шундай ҳужумларнинг бирида қанотдан ошириб берилган тўпни «Қурувчи»нинг чилилик легионери, шу кун дебют ўйинини ўтказган Хосе Луис Вильянуэва самарали яқунлади — 1:0. Иккинчи таймининг бошидан Александр Гейрих майдонга тушди. «Пахтакор» ҳужумчиси дастлаб пеналти ишлаб, ундан фойдалана олганга бўлса-да, бироз ўтиб айбини ювди. Ажойиб гол уриб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Шундан сўнг ўйинда бошқа гол бўлмади. 15-турнинг қолган ўйинлари куйидагича яқунланди: «Локомотив» — ОТМК — 2:1, «Шўртан» — «Қизилқум» — 2:1, «Нефтчи» — «Сўғдиёна» — 1:0, «ЎзДонг-Жу» — «Насаф» — 1:4, «Динамо» — «Бухоро» — 4:1, «Машъал» — «Андижон» — 1:0, «Металлург» — «Навбахор» — 2:2.

Акмал АБДИЕВ

Ажасбтовур васиятлар

1553 йил француз ёзувчиси Франсуа Рабле энг қашшоқ васиятнома ёзиб қолдиради. Унда шундай сўзлар бор эди: «Менинг ҳеч қандай мулким йўқ. Нимаки топсанглар, камбағалларга беринглар».

1812 йилда вафот этган Амшел Ротшилдининг васияти гоят махфий ҳисобланади. Унда: «Менинг меросимни рўйхатга олишни, суд аралашуви ва ошкор этишларини қатъиян маън қиламан», дея ёзилган эди.

Энг бой васият 1991 йили дунёни тарк этган америкалик Анненбергга тегишли. У бир миллиард долларлик санъат асарлари тўпламини Нью-Йоркдаги метрополитен музейига қолдирган.

Ақбар АЛИЕВ

Фикрлар кесишган сарҳад



Ким мез монанги?


- 1. Тўртдан катта, бешдан кичик бўлган сонни ҳосил қилиш учун 4 ва 5 рақамлари қайси тарзда ёзилиши зарур?
— Менга бир дона кўннинг берсанг, кўнларим сеникдан уч маротаба кўп бўлар эди.
Иккинчиси эса:
— Йўқ, сен менга битта кўннинг берсанг, ҳар иккимизда ҳам кўнлар сони тенг бўларди, — деди.
Тенгдошларнинг ҳар бирида нечтадан кўн борлигини топинг-чи?
3. Беш бинокор 50 дона гиштни 5 дақиқада териш учун нечта бинокор зарур бўлади?
4. Икки она ва икки қиз уч дона нонни бутунлигига тенг бўлиб олдилар. Бу қандай амалга оширилди?
5. Дастурхон атрофида икки ота, икки ўғил ҳамда бобо набираси билан суҳбатлашиб ўтирибди. Даврадаги барча суҳбатдошлар неча кишини ташкил этади?
6. Аррақашлар тахтани ярим метрлик узунликдаги бўлакларга ажратмоқда. Ҳар бир бўлаги учун бир дақиқадан вақт сарфлашади. Улар бу ҳолатда уч метрлик тахтани бўлакларга ажратиш учун қанча вақт сарфлайди?



Тасаввур тилсими

Касбадаликми

Болалигимда шаҳарда ўқийдиган опам ойнаси қоп-қора кўзойнак тақиб келарди. Кўзойнак тақса, назаринда бутунлай бошқача кўринарди. Опамникидай чиройли кўзойнак тақишни орзу қилардим.



ла бошлади. Бир кунни ёнимиздаги боғчага кўзойнак таққан Комила исмли тарбиячи ишга келди. Ўзи чиройлигина-ю, кўзойнак тақар экан-да. Комила опа бизникига тез-тез кириб турарди. Онамнинг айтишича, унинг сингиллари аллақачон узатилиб кетган экан. Комила опага бўлса кўзойнак таққани учун совчилар келмабди.
Унга раҳмим келди. Ахир кўзойнак таққани унинг айби эмас-ку.
Мактабни тугатиш арафасида кўзим шамоллаб шифохонада ётдим. Шунда шифокор менга вақтинча кўзойнак таққани маслаҳат берди. Кўзойнак кўзимни шамоллашдан ҳам, иссиқ-совуқдан ҳам асрар экан. Шундан сўнг кўзойнак тақадиган бўлдим. Бошида галати туюлди. Кейинчалик кўникиб кетдим. Аммо одамларнинг галати қарашлари кўнглимга ботарди.
Бир кунни кўни-қўнларнинг қизлари билан тўйга бордик. Аксига олиб катта кўчада чироқ йўқ. Қоронғуда гаплашиб кетаямиз. Биздан сал каттароқ Нафиса опа йўл чекасидеги кўлмакни шалоплатиб келиб ўтди. Ҳайрон бўлдим. Тўйдан


Фикр ё нуқсон?

дағиларини синкволик билан қарасам ҳам аниқ кўролмадим. Тўв харфлар чап-лашиб кетганди. Шундан сўнг дўхтир менга кўзойнакка ўшаган нарсани тақдирди-да, ичига шашчаларни қўйиб, қайси бирини энг пастки ҳарфни кўраётганини сўради. Мен айтдим. Кейин у менга вақтинча кўзойнак тақишимни тайинлаб, кўлимга бир қозоқча тутқазди. Уларнинг ёнидан хомуш бўлиб чиқдим. Синфимизда дарҳол шивир-шивир бошланди: «Қаҳрамон билан Гулнорадининг кўзига кўзойнак ёзиб берибди. Энди улар кўзойнак тақидиларкан...» Ўша кунни дарс қандай тугатганини билмайман. Уйга келиб бу гапни онамга қандай етказишни ҳам билмадим. Кейин дўхтир берган қозоқчани йиртиб ташладим.
Уч кундан сўнг онам бу ҳақда дўгана-ларимнинг онасидан эшитибди. Мендан ўша қозоқчани сўради.
— Йиртиб ташладим. Кўзойнак тақмайман, — дедим хўрлигим келиб.
— Дўхтир буорган бўлса тақишинг керак-да, қизим, — деди онам. — Бўлма-са кўзинг сўзиди. Кўзойнакни ҳамма ҳам тақайди.
— Керак эмас. Чунки синфдошларим мазақ қилишади. Кўзим шундоғам яқши қуради.
Онам менга гап уқтиролмади. Шундан кейин бу ҳақдаги гап-сўзлар унути-

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Билимга ишонган янглишмайди

Инсоннинг умр бахори — ёшлик, қаноти — орзу, суянчиги эса умиддир. Қанчадан-қанча абитуриент 1 августни нечоғлик хавотирга яхши ният билан кутишини тасаввур қила оласизми? Ёз фаслида кимдир дам олишга отланса, яна кимдир қишга ҳозирлик кўришга шошади. Абитуриентлар учун эса ёз бир неча йиллик орзулар рўёби, ҳаётдаги янги боққичнинг бошланишидир. Усмир олий ўқув юртининг қай бирини танламасин, асос барибир мактабда олган билими бўлиб қолаверади.
Талаба бўлишни истоган ҳар бир ўғил-қизнинг олдида иккита мумино бўлади: кераклиқ котибларни топшиш ва етакчи репетиторга бориб тайёрланиш. Лекин баъзи тенгдошларимиз борки, осон йўлни танлаб қўя қолишади: имтиҳонга шпаргалка олиб кириш, ўрнига одам китритиш, соткада савол жавобини ёзиб олиш, учар «қозғолар»дан фойдаланиш... Аммо билими бола шпаргалка ёки «суперконтракт» ташвишини қилмайди. Савиясини етук шахс қайси соҳада ишламасин, ўз йўлини топиб кетади. Дейлик, университетга



ғирром йўл билан кирган бола ўқиди ҳам дейлик, лекин дорулфундуна олий маълумот олиш учун тинимсиз изланиш, заковатли бўлиш талаб этилади-ку! Ким бўлишдан қатъи назар назария ва амалиётни ўйғунлаштирмай (аввало ўрганмай) туриб, ўз касбининг устаси бўлиш қийин.
Бир нарсадан қуёнаман: кундан-кун ўқишга кириш талаби ортиб бораёпти-ку, лекин нимагадир абитуриентнинг ўзига ишончи йўқдек. Шунинг учунимкан «танка» изловчилар сафи кенгаймоқда.
Яқинда синфдошлар билан йиғилдик. Мактабни битирганимизга бир йил бўлган бўлса, шу вақт мобайнида кимдир ўқишга кирган, кимдир Россия ёки Қозғистонга иш излаб кетган, яна кимдир фирт бекорчи, кимдир эса канимадек абитуриент. Гап айланми олий ўқув юртига тақалди. Шундан бир синфдошим: «Мен ҳақиқат борлигига ишонмайман, барибир, «танка»сиз

ўқишга кириш қийин», — деб қолди. Бу гапни эшитиб, сал қайсарроғи: «Э, ўқиган билан олим бўлиб қолармидинг, ҳозир ҳамма гап пулда, ошна», — деса, яна бири: «ахир ҳамма ака-лик бўлиб кетаверса, қишлоқда подани ким боқайди?», — деб қолди. Бу гапларни эшитиб, тапиниб очиги, аччиғим келди. Рост-да, шунча имконият бўла туриб ёшлар шундай фикрлагандан кейин...
Насиб этса, мен ЎзДЖТнинг халқаро журналистика факултети-га кириб ўқимокчиман. Олдимизда эса имтиҳон чўққиси турибди. Уни ошиб ўтолсак, бундан ҳам катта орзулар сари дадил одимлаб бораверамиз. Дорулфундуна учрашамиз, тенгдош!

Ўткир АЛИМОВ, С.Сирожиiddinov номдаги академик лицей битирувчиси

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.